

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi "O'zbekiston – 2030" strategiyasi to'g'risida"gi PF-158-son Farmoni.
2. Lawton K., Marom D. "The Crowdfunding Revolution: How to Raise Capital in the Digital Economy". McGraw-Hill Education, 2013.
3. Goodfellow I., Bengio Y., Courville A. "Deep Learning". MIT Press, 2016.
4. O'zbekiston Respublikasining 2020-yil 24-iyuldagi "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-630-son Qonuni
5. www.lex.uz – O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА БАНК ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАРИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК ВА АҲОЛИ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азларова Азиза Ахроровна

ТДИУ "Банк иши"кафедраси профессори

Аннотация. Мақолада рақамли трансформация жараёнлари шароитида банк тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш масалалари ўрганилган. Муаллиф томонидан аҳолининг инновацион банк хизматларидан фойдаланишининг банк тизими барқарорлигига таъсири ҳамда киберхавфсизлик муаммолари аниқланган. Тадқиқот натижасида илмий таклиф, амалий тавсия ҳамда хулоса шакллантирилган

Калит сўзлар: рақамли трансформация, инновацион банк хизматлари, киберхавфсизлик, молиявий саводхонлик, финтех, рақамли банк.

Маълумки, ҳозирда жаҳон молия тизимида рақамли технологиялар жадал суръатларда ривожланиши натижасида, банк тизимида инновацион хизматларнинг кўламини кенгайтиришга олиб қелмоқда. Республикада ҳам банк хизматларида интернет банкинг, мобил банкинг, электрон тўлов тизимлари ва финтех платформалари янги босқичга кўтарилган.

Рақамли банк хизматларининг ривожланиши молия соҳасида янги имкониятларни яратиши билан бирга, бир қатор хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқаради, яъни кибержиноятчилик хавфининг ортиши, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш муаммоси, аҳолининг рақамли ва молиявий саводхонлиги етарли эмаслиги каби муаммолар шулар жумласидандир.

Бу жараёнда банк тизимидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш молиявий барқарорлик ва мижозлар ишончини сақлаб қолишдаги муҳим омил саналади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда интернет тармоғида ахборот тарқатиш ва маълумот излаш имкониятлари кенгайиб, интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 31 миллиондан ошган, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиб келади.

Ҳуқуқбузарларнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилиб, сўнгги олти йилда мамлакатимизда кибержиноятлар бўйича мурожаатлар сони 48 бараварга ошган. Ўтган 2025 йилда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг 82 фоизи, ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермақонда содир этилган. Улар орқали

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарар 2 триллион сўмдан ошган²⁶⁰.

Ўзбекистонда иқтисодий рақамлаштириш ва банк тизимини модернизация қилиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинган²⁶¹. Унда тижорат банкларига, банк ва тўлов тизимларининг киберхавфсизлик жиҳатидан барқарорлигини таъминлаш, молиявий хизматлар кўрсатишда кредит-банк соҳаси ташкилотлари фаолиятининг операцион ишончилиги ва узлуксизлигини ошириш лозимлиги кўрсатилган²⁶².

Бундан ташқари, халқаро тажрибага асосланиб банк хизматлари соҳасида турли хил фирибгарликларга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш, шунингдек, мижозларни фишинг, ижтимоий муҳандислик каби таҳдидлар тўғрисида хабардор қилиш ва уларни онлайн банкингдан хавфсиз фойдаланишга ўргатиш вазифаси ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида кредит ташкилотлари сонининг сўнгги йилларда изчил ўсиб бориши молия бозорида рақобат муҳитининг кенгайиб бораётганини кўрсатади. (1-жадвал)

1-жадвал

**Кредит ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари ҳақида
маълумот (01.01.2026 йил ҳолатига²⁶³)**

Кредит ташкилотлари	01.01.2023	01.01.2024	01.01.2025	01.01.2026
Тижорат банклари, жумладан	32	35	36	36
Давлат иштирокидаги банклар	12	10	9	9
Бошқа банклар (шу жумладан микромолия банклари)	20	25	27	27
Нобанк кредит ташкилотлари, жумладан	167	169	193	224
Микромолия ташкилотлари	85	84	100	132
Ломбардлар	81	84	92	91
Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти	1	1	1	1
Кредит ташкилотлари жами	199	204	229	260

Жумладан, 2023 йил бошида мамлакатда 199 та кредит ташкилоти фаолият юритган бўлса, 2026 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич 260 тага етган.

Кредит ташкилотлари сонининг ортиши билан бир қаторда, 2026 йил 1 февраль ҳолатига кўра мамлакат тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 69,2 миллиондан ортиқни ташкил этган. Ўрнатилган тўлов терминаллари сони 433 мингдан зиёд, банкомат ва инфокиосклар сони эса 42 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар банк инфратузилмаси ҳудудлар кесимида кенгайиб бораётганини ва молиявий

²⁶⁰Уюшган жиноятчилик ва кибержиноятларга қарши курашиш такомиллаштирилади <https://president.uz/uz/lists/view/9009>

²⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 10.03.2026 йилдаги ПФ-38-сон. <https://lex.uz/docs/8079286>

²⁶² ПФ-38-сон Фармон 10-банди

²⁶³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари <https://cbu.uz/uz/credit-organizations/>

хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада қулайлашганини англатади. 2026 йил январь ойи давомида тўлов терминаллари орқали амалга оширилган операциялар ҳажми 41,9 триллион сўмга яқинни ташкил этган. (2-жадвал)

2-жадвал

2026 йил 1 февраль ҳолатига банк тўлов инфратузилмаси кўрсаткичлари ҳақида маълумот²⁶⁴

№	Кўрсаткичлар	
1	Муомаладаги банк пластик карталари	69 232 341
2	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	433 289
3	Банкомат ва инфокиосклар сони	42 354
4	2026 йил январь ойида терминаллар орқали тушган тушум (млн сўм)	41 948 200

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодиётда рақамли трансформация жараёни банк хизматларининг инновацион шаклда ривожланишига катта таъсир кўрсатмоқда. Инновацион банк хизматларини самарали жорий этиш учун киберхавфсизликни таъминлаш ва аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларда замонавий киберхавфсизлик тизимларини жорий этиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларини кенгайтириш, финтех компаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, рақамли банк хизматларини оммалаштириш каби чора-тадбирлар банк тизимининг барқарор ривожланиши ва молиявий хизматлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасининг Киберхавфсизлик стратегиясини белгилаш ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-38-сон.Фармони. 10.03.2026 <https://lex.uz/docs/8079286>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ–5992-сон Фармони. – Тошкент, 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. – Тошкент, 2020.
4. Уюшган жиноятчилик ва кибержиноятларга қарши курашиш такомиллаштирилади <https://president.uz/uz/lists/view/9009>
3. Azlarova, Aziza, et al. "Transformation and Development of the Banking Sector AT the Modern Stage." *Economic Development and Analysis*, vol. 3, no. 1, 31 Jan. 2025, pp. 261-268, doi:10.60078/2992-877X-2025-vol3-iss1-pp261-268.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

²⁶⁴Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари <https://cbu.uz/uz/statistics/paysistem/3465027/>